



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 18 январь, № 13 (4423)

Жума

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 январь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морелни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган арбоб сифатида ҳурмат қилишни таъкидлади.

Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қаради. Мазкур тузилма ташаббуси билан 2004 йилда "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" минтақавий мулоқот механизми ташкил этилиб, шу чоқча учта халқаро анжуман ўтказилди.

Ўтган йили Германия раислиги чоғида ЕИнинг минтақавий бўйича узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилган эди. Жорий йилнинг бошидан эса раислик Словенияга ўтди ҳамда Ўзбекистонда шу йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинган ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилган ЕИ томонидан расман эътироф этилди. "Бирлашган Европа" Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, минтақанинг етакчи давлатларидан бўлган Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Бунинг



иқтисодий сабаби бой табиий ресурслар ва ўсиб бораётган иқтисодий салоҳият бўлса, сиёсий сабаби глобал хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон мисолида олиб қараганда, Европа мамлакатлари юртимизда етиштирила-

диган пахта толасидан, қазиб олинаётган табиий газдан фойдаланиши иқтисодий ҳамкорлик нечоғли катта аҳамиятга молик эканлигидан далолатдир. Ўзбекистоннинг геостратегик жойлашуви транспорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, шу билан

бирга, Афғонистонда тиклаш ишларини амалга ошириш, умуман, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликни кенгайтириш имконини яратди.

Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,5

миллиард АҚШ долларидан ошади. Юртимизда Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлар сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган корхоналар сони етти юзга яқин. ЕИ давлатларининг юзлаб фирма ва компаниялари мамлакатимизда ўз ваколатхоналарини очган.

Ўзбекистон билан ЕИ таълим, ноу-хау, стандартлаштириш ва сертификатлаш, аудит, транспорт, энергетика, наркотик моддалар назорати каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келади.

Пьер Морель самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ислон Каримовни олий лавозимга қайта сайлангани билан қутлади. Европа Иттифоқи Ўзбекистонни ишончли шерик деб билишини, мамлакатимиз билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).
Абдуғоҳид Тўраев
олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга гоят қизгин қутловларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон бундан буён ҳам бутун дунёда бўлгани каби минтақада ҳам тинчликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади. Яна шунга ҳам ишонч билдираманки, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамкорлигимизни кенгайтириш йўли билан янада ривож топиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, шунингдек, юксак лавозимдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истаklarимни лутфан қабул қилгайсиз.

Сусило Бамбан ЮДХОЁНО,
Индонезия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги юксак галабангиз билан кўп миллатли Татаристон Республикаси халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни самимий муборакбод этаман.

Сайлов натижалари Ўзбекистон халқининг Сизга бўлган юксак ишончи, Сиз олиб бораётган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашининг яна бир яққол тасдиғи бўлди. Ишончим комилки, Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини фаолиятингиз бундан буён ҳам мамлакатнинг жадал ижтимоий-сиёсий ривожланишига, бутун мамлакат тараққиёти, барча фуқаролари фаровонлиги йўлида қардош Ўзбекистонда барқарорлик ва демократияни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эришган галабангиздан беҳад қувонган ҳолда Сизга ва барча Ўзбекистонликларга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ҳамда қадрдон мамлакатингиз манфаатлари йўлидаги барча ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Биз юксак қадрлайдиган халқларимиз ўртасидаги самимий қардошлик бундан буён ҳам Россия билан Ўзбекистон халқларининг манфаатларига қаратилган Татаристон — Ўзбекистон самарали ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга хизмат қилаверишига ишонаман.

Камоли эҳтиром ила,
Минтимер ШАЙМИЕВ,
Татаристон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари,
Қадрли Дўстим,

Сизни гоят юксак галабангиз — қайта сайланганингиз муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман. Халқингиз адолатли сайлов давомида кўпчилик овоз билан Сизга юксак ишонч билдирди. Шу тариқа мамлакатингизнинг барқарорлиги ва фаровонлиги янада мустаҳкам таъминланди. Сўнгги йилларда Сиз халқингиз ва мамлакатингиз манфаатлари йўлида нақадар фидокорона фаолият юритаётганингиз ва Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг Ўзбекистон тарихида қанчалик муҳим ўрин тутаётганингиз менга ҳам яхши маълум. Хорижда, айниқса, Германияда Сизни Ўзбекистон юритаётган ҳозирги сиёсатини изчил давом эттириш, мамлакатингиз раванки ва халқингиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида фидойилик қўрсатган инсон сифатида юксак қадрлайман.

Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ ва мамлакатингиз халқи манфаатлари йўлида катта-катта зафарлар тилайман. Самимий салом ва энг эзгу тилақлар ила
Дўстингиз,
Клаус МАНГОЛЬД,
Немис иқтисодий Шарқий қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти номидан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига энг самимий қутловларимни йўллашга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқи ўз Ватанини раванк топтириш йўлида янада улкан муваффақиятларга эришади.

Хитой ва Ўзбекистон — инок қўшнлар, мамлакатларимиз халқлари ўртасида азалий дўстлик қарор топан. Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти Ўзбекистоннинг жамоат ташкилотлари билан ҳам томонлама дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари ўртасида ҳам-яхватлик ҳамда ўзаро ишончли муносабатларни мустаҳкамлашга, барча соҳаларда амалий ҳамкорликни рағбатлантиришга, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстликка муносиб ҳисса қўлишга тайёрдир.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикаси халқига эса раванк ва фаровонлик тилаб қоламан. Эҳтиром ила,
Чжан ДЭГУАН,
Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси ҳамда шахсан ўз номимдан қизгин ва самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон шахсан Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан ривожланиб бораверади. Биз, Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси аъзолари Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тайёрлигимизни билдираман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса янада раванк ва тараққиёт тилаб қоламан. Камоли эҳтиром ила,
Нобуо ОХАШИ,
Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси,
«Мицуи» компанияси бошқаруви раиси.

ВАТАН ЮРАҚДАН БОШЛАНАДИ

Ватан қаердан бошланади? Табиийки, киндик қони тўкилган гўшадан, оstonдан, қадрдон қишлоғингдан, туманинг ва шаҳрингдан, албатта. Менинг назаримда, чинакам кўринишда у юракдан бошланади. Унинг буюк туйғуси, нурафшон қайғуси юракда бўлмас экан, демак, кишида моддий устуворликдаги юрт хисси мавжуд бўлади-ю, маънавий истилоҳдаги Ватан қаери акс этмайди.

Дейлик, кимдир қийналиб қолди. Иши юришмади. "Фалон мамлакатнинг хавосиям, ўзим яхши. Бизда эса..." дея қўнғисига хасрат қилди. Бундай қараганда, бунинг нимаси ёмон? Инсоният яралганидан бери нимадандир хасрат қилади, нимадандир кўнгли тўлмади.

Дунёда шахс борки, манфаати бор. Яхши турмуш кечириш, оила қуриш, соғ-саломат яшаш, кичик ва катта мақсадларга эришиш. Лекин бирор-бир шахсий мақсад юртинг тинч-осойишталиги, фаровон ва ободлигидан устун эмас.

Самарқанд зодагонларидан Ялангтўш Баҳодирни ҳеч ким Шердор мадрасасини қур, деб мажбур қилмаган, лекин у қурди. Сабаби эса оддий: у юрт камолини ўзи

уҳун табаррук билди. Айтишларича, ўз даврида манаман деган қорчалонлар, савдогарлар унинг бундай фидойилигидан таажжубланишган, шундай иш юритаверса, яқинда камбағалликка юз тутайди, деб ачинган эмишлар. Балки, ҳақиқатан ҳам у ҳазон фаслида камбағалликка юз тутгандир, аммо ундан кўра бойроқ, улгуроқ инсонларни бутун ҳеч ким эсламайди. У Ватанга, халққа сўнмас ёдгорликлар қолдирди. Шердор мадрасаси миллатимиз фахридир. Ундан таажжубланганларнинг номи ҳам, бойлигию давлати ҳам тарих қаърида чўкиб, йўқ бўлиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

Фахр

Тадбир

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ўртасида келишув битими имзоланди.

Келишув битими имзоланди

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишловлар олиб борилмади. Хусусан, жорий йил 1 январидан эътиборан, ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани бу борадаги таъбирларнинг нечоғли юксаклигини тасдиқлайди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш борасида олиб борилаётган бундай ишловлар замирида инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам бу борада мунтазам таъбирларни амалга оширмади. Бу эса, халқимизнинг мазкур ташкилотта ишончини орттиришда. Чунки, бултур Омбудсман идорасига 7655 нафар фуқаро мурожаати келиб тушди. Бунда, албатта, ушбу институтнинг давлат ва нодавлат муассасалар, суд органлари билан мунтазам алоқани йўлга қўйгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишув битими имзоланганиги томонлар ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, суд ҳокимияти тизимида инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш бўйича зарур чора-таъбирлар ишлаб чиқишга муҳим аҳамият касб этади.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Янги йилнинг дастлабки уч куни ичида «Фаргона» аэропортига Москва, Қозон, Урумчи шаҳарларидан кетма-кет самолётлар келиб қўнди. Одатда, қиш кунларидея шаҳарнинг бош ҳаво дарвозасида «жимжитлик» ҳуқирон бўлади. Чунки ёзги сайру саёҳатлар тугаган, пишиқчилик мавсуми ортада қолган. Бир сўз билан айтганда, қиш ойлари аэропортлар учун осойишталик мавсуми ҳисобланарди.

ҲАВО ДАРВОЗАСИ ЯНА ҲАМ КўРҚАМЛАШДИ

— Ватанимиз фуқароларининг турмуш шароитлари яхшиланиб, моддий томондан бақувват бўлаётганини ушун ҳам тижорат, дийдорлашув, сайру саёҳат қилиш истагидангина сони ортиб бораётти, — дейди «Фаргона» аэропорти директори Муҳаммадсодиқ Усмонов. — Аэропорт ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришларни белгиловчи ўзинга ҳос омилардан ҳисобланади. Бундан икки йил аввал қиш ойларида Москва шаҳарига атиги битта рейс бўлган бўлса, ҳозир бу йўналиш бўйича самолётлар ҳафтасига уч бора ҳавога кўтариляпти. Бундан ташқари, ҳаво йўллари Фарғонани Санкт-Петербург, Қозон, Урумчи шаҳарлари билан ҳам боғлаб ту-

рибди. Йўловчилар, шунингдек, Тошкент шаҳрига ҳар куни, ватанимизнинг шимолий ҳаво дарвозаси Нукус шаҳрига ҳам энг замонавий ҳаво лайнерларида бориб келишлари мумкин. Кунлар илби, кишиларнинг борди-келдиси жадаллашиб билан Россиянинг Самара, Екатеринбург шаҳарларига ҳам қўшимча рейслар очилиши мўлжалланмоқда.

Йўловчилар оқими кўпайгани сайин шаҳарнинг бош ҳаво қўналғисини халқаро мезонлар талаби даражасида таъмирлаш, реконструкция қилиш давр талабига айланаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Касаначилар шижоати

Зоминдаги Пшагар, Қангли, Жалойир қишлоқларида фаолият юритаётган касаначиларнинг самарали меҳнатлари боис аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ойлик режаларини кўзда тутилган 500 минг сўм урнига 800-850 минг сўмга етказиб бажардилар.

Туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раиси Шавкат Муразаосуповнинг таъкидлашича, ушбу кўрсаткичнинг таъминотида муҳим ўтган йили нақд пул тушуми режалани 3 миллион сўм ортиғи билан удаллади.

Баҳриддин САТҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари давом этмоқда.

РАҲБАР КАДРЛАР ҲУҚУВИ

Унда Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришимиз» маърузасида белгиланган вазифалар ижросига оид масалалар атрофида муҳокама этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида "Навбахор-төкс" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг мухташам биноси қад ростляпти. Шу кунларда бинонинг қурилиш ва пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, Навоий вилоятида яна бир нечта қўшма корхона фаолият кўрсатаёттир. Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигини «Навоий — Миллинг» қўшма корхонаси мамлакатимизнинг цемент ишлаб чиқарувчи корхоналари учун тош майдаловчи ускуна етказиб беради. «Кизилқум силикат» қўшма корхонаси

ўтга чидамли силикат гиштларини ишлаб чиқараётти. Шунингдек, «Кизилқум ЭКО» қўшма корхонаси томондан бетон махсулотларини қишлоқлардаги ускуна буюртмачиларга етказиб берилаётти. «Навоий — Сибирь» корхонасида эса аъло сифатли ун тайёрланмоқда.

Вилоятдаги янги қўшма корхоналар йirik саноат корхоналари катори иқтисодийимиз раванкига хизмат қилаётти.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ҳарбий базага ҳужум

Чоршанба кuni Покистоннинг Жанубий Вазиристон мухтор туманидаги ҳарбий базага жангарилар ҳужум уюштирди ва у ерни эгаллаб олди.

Гумондор ҳибсда



Германияда икки давлат — ГФР ва Эрон фуқароси бўлган тadbиркор кўлга олинди.

кил этганликда гумон қилинмоқда. Бош прокурор Моника Хармснинг таъкидлашича, тadbиркор бевосита Эрон ядро дастурига алоқадор компанияга материаллар жўнатишга ҳаракат қилган.

Жангарилар билан тўқнашув

Ироқ шимолидаги Салахундин музофотида жангарилар билан бўлган тўқнашувда уч нафар АҚШ аскар ҳалок бўлди.

ган маълумотларга қараганда, сўнгги кунларда ўтказилган амалиётлар чоғида 60 нафар жангари йўқ қилинган.

Истеъмол товарлари нархи назоратда

Хитой Ривожланиш ва ислохотлар ишлари бўйича қўмитаси шу йилнинг 15 январидан бошлаб асосий истеъмол товарлари, жумладан, дон, ўсимлик ёғи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, тухум ҳамда газ нарҳига вақтинча давлат назорати жорий қилинишини билдирди.



«The Wall Street Journal» газетасининг ёзишича, ҳукумат юрридиклиги товарлар нарҳини сўнгги равишда ошириб юборган компанияларга нисбатан 2,7 миң доллардан 137 миң долларгача жарима солинишини ҳам белгиллаган.

Ходим қўлга тушди

Япония Бош вазири девонхонасининг 52 ёшли хизматчиси Россия элчихонаси ходимига махфий ҳужжатларни берётган пайтда қўлга тушди.

ланмоқда. У кеча ўз айбига иқдор бўлиб, Россия элчихонаси вакилидан бир миллион иена (10 миң доллар) пул олганини таъкидлади.

Отаси ўрнига ўгли

Италия полицияси уюшган жиноятчиликда гумон қилиб, 36 нафар кишини қamoққа олди.



Матбуот хабарларига қараганда, гумондорлар Сицилия мафиясига қарши ўтказилган амалиётлар чоғида қўлга олинди.

Икки кема ҳалокати

Чоршанба кuni кечқурун Филиппиннинг Итбайт ороли яқинида Панама байроғи остида сузаётган «Хо Фен-7» теплоходи ҳалокатга учради.

Кемадаги 20 нафар экипаж аъзосининг 10 нафари кутқариб қолинди, қолганларнинг тақдирини ҳозирча номаълум.

«Хон Ян» ҳам чўкиб кетди. «ИТАР-ТАСС» хабарига айтилишича, ундаги 20 нафар экипаж аъзосидан 5 нафари кутқариб олинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бу қўшиқ сатрини кўпчилик яхши билади. Қолаверса, минг бир жилода товляниб, кўзни қамаштирувчи ўзбек атласи қиз-жувонларимизни дунёдаги энг гўзал маликаларга айлантиргани ҳам бор гап.

КЎЗИМНИ ЯШНАТИБ КИЙИБСИЗ АТЛАС

— Атлас тўқиш учун заргар қўшти, нарқош диди, жарроҳ бармоқларига эга бўлмоқ лозим, — дейди кекса уста Латифжон Аҳмаджонов биз билан суҳбатда.

гитларидан 22 нафарини дурустгина атласчи қилиб тарбиялаган. Хунармандчиликнинг ушбу турини санъат даражасига кўтарганлардан яна бири Турғунбой Ёқубовев сулоласидир.

Мерос

Дарвоқе, бугун 60 ёшни қўралган Латифжон ака аҳдоқдорлардан мерос касбни ардоқлаб, ўз уйида атлас тарихига оид мўъжаз музей очган.

Ушунга ҳам ашъ топиш, хунармандларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишда уларга тарқатилган қўмақ беришидан ташқари, маҳсулотнинг сотиш, илгор тажрибаларини оммалаштиришда ҳам бош-қош бўлмоқда.



ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР

Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эл-юрт дастурхонини сархил ноз-неъматлар билан янада тўкин-сочин қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, академик Р.Р. Шредер номидagi богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тегириш институтини жамоаси ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, турли мевали дарахтлар ва узумнинг сервосил, зараркунандалар ҳамда касалликларга чидамли янги навларини яратиш йўлида салмоқли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Пировардида, бу борада муайян ютуқларга ҳам эришилмоқда. Масалан, олманинг янги «Малика» навини олайлик. У бошқа турдошларига қараганда, бирмунча эрта — уч-тўрт йилга қолмай ҳосилга кириди.

Иزلаниш

«Кишмиш Ботир» деб номланган 12-15 кун олдин пишиб-етилади. Хосилдорлиги гектар бошига 140-150 центнерданга тўғри келади.

Ана шундай хусусиятларига қўра, «Малика» ҳам, «Кишмиш Ботир» ҳам мутасадди идоралар томонидан маъқулланиб, районлаштиришга тавсия этилди.

Бундай илқ фикрларни институт олимлари 2007 йилда синовга топширган олманинг «Фарангиз», олхўрининг «Сестричка» ва «Крупноподная», шафтолининг «Шредер туфхаси», қорагатнинг «Сиюма» ва «Рухона» навлари тўғрисида ҳам билдиргани мумкин.

Айниқса, ўрикнинг кеч гуллаб, йилга узлуксиз мева туғадиган, доғланиш касаллигига анча чидамли «Мароқанд» номли университет нави кўпчилик богбонлар ва шахсий томорқа эгаларини ортиқча ташвишлардан холи этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Сирасини айтганда, — дейди институт директори М. Мирзаев, — мустақиллик йилларида олимларимиз сай-ҳаракатлари тўғрисида республикамиз вилоятларида мевали дарахтлар ва узумнинг 18 та янги нави районлаштирилди.

Шунингдек, истиқболли 13 та наф Давлат наф синов комиссиясига топширилди. Буларнинг барчаси серқўш дийримида богдорчилик ва узумчилик ҳар қанчонидан-да ривожланишига, юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

«Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари тахририяти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда икки йилдан бери «Йилнинг кашф этилган ёшлари» кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ.

Тўй қилмоқчимисиз, марҳамат!

Мариялон шаҳридаги «Тошкесар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиб фойдаланишга топширилган янги тўйхона маҳалла кўригига қўш қўшди.

Яхши хабар

Маҳалламизда бирор тadbир ёки маросим ўтказиш учун ҳамма шароит бадастир жойини топиш мумкин эди.

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ, САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДА

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2008 йил 6, 13, 20 ва 27 февраль кунлари соат 11.00 да оммавий «оферта» воситасида ўтказиладиган аукцион савдосига Жиззах вилояти ҳўжалик сўдининг 13-0702-731-сонли иши бўйича 2007 йил 5 мартдаги хал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Зафарбод туманидаги «Йшонч нури» масъулияти чекланган жамиятининг қуйидаги мол-мулклари қўйилади:

мулк мажмуа умумий ер майдони — 15 663,62 м², бошланғич нархи — 61 387 642 сўм; «ОДА3-93571» русумли, давлат белгиси 13 В 012, 1991 йилда ишлаб чиқарилган тиркама, бошланғич баҳоси — 715 609 сўм; «ТКБ-8328» русумли, давлат белгиси 13 В 008, 1991 йилда ишлаб чиқарилган тиркама, бошланғич баҳоси — 686 977 сўм; «ГБАКАВ3-685СНН» русумли, давлат белгиси 13 АД 622, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автобус, бошланғич баҳоси — 652 284 сўм; «ЛА3-699Р» русумли, давлат белгиси 13 АВ 618, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автобус, бошланғич баҳоси — 1 254 480 сўм; «ТАС-32» русумли, давлат белгиси 13 В 002, 1987 йилда ишлаб чиқарилган тиркама, бошланғич баҳоси — 526 536 сўм; «ТАС-32М» русумли, давлат белгиси 13 В 001, 1987 йилда ишлаб чиқарилган тиркама, бошланғич баҳоси — 526 536 сўм; «ТАС-32М» русумли, давлат белгиси 13А 550, 1989 йилда ишлаб чиқарилган тиркама, бошланғич баҳоси — 526 536 сўм.

Аризалар аукцион савдоси ўтказилишидан 1 кун олдин тўжтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини РКМБ Жиззах вилояти филиалининг иккиламчи ҳисоб рақами 202 100 000 005 714 520 50 АТ «Ипотекабанк», «Санзор» филиали, МФО 00 834, ИНН 200 933 850 га ўтказишлари шарт.

Ушбу мазмундаги эълон «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 5 январдаги 3 (4782)-сонида чоп этилган.

Кўшимча маълумотларни 8-372-222-35-77, 222-34-16, 771-65-90 телефонларига боғланиб билиш мумкин.

Advertisement for Setko machinery. Text: СПЕЦТЕХНИКА СПЕЦТЕХНИКА СПЕЦТЕХНИКА... ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ НА ВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ СПЕЦТЕХНИКИ ИЗ КНР. АВТОКРАНЫ, САМОСВАЛЫ, ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ, БУЛЬДОЗЕРЫ, АВТОГРЕЙДЕРЫ, ЭКСКАВАТОРЫ, АВТОБУСЫ. Tel. (99897) 740-54-00. Fax: (99871) 281-50-93, 281-50-94. E-mail: asiaenergoinvest@mail.ru.

ТАШКИЛОТ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. «MAN» русумли автомашинага «С» ва «Е» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчилар.

Талабар: - меҳнат стажини — камида 5 йил; - ёши 40 дан ошмаган; - маош — 200 000 сўм ва ундан юқори. Иш Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари билан боғлиқ.

2. Енгил автомашинага «В» ва «С» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчи.

Талабар: - меҳнат стажини — камида 5 йил; - ёши 25-30 дан ошмаган; - маош — 200 000 сўм ва ундан юқори.

Маълумот учун телефонлар: 185-17-11, 258-75-94, 258-75-96. Маълумотлар (резюме)ни қуйидаги факслар орқали юбориш мумкин: (99871) 150-01-11, 150-11-55, 150-22-55. E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ

Advertisement for Setko 'УМНЫЙ ДОМ' (Smart Home). Text: www.setko.uz. Мини-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа (под заказ). Tel.: 138-99-99, 137-29-88.

Advertisement for Santexnika. Text: САНТЕХНИКА УНИТАЗЫ, УМЫВАЛЬНИКИ В КОМПЛЕКТЕ ЛИНОЛЕУМ БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ ПЛИТКА ОБЛИЦОВОЧНАЯ РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10см. Производство Россия. Вся продукция из экологически чистого материала. Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 294-51-00, 280-5540/41/42.

Advertisement for Hyundai. Text: Drive your way. Тел.: 250-11-11, 250-69-99. Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган. www.hyundai-motor.com

Спорт Sport Спорт

Маълумки, жорий йил Қорақалпоғистон Республикасида ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод-2008» спорт мусобақаларининг финал босқичи ўтказилди.

КУЧЛИЛАР САРАЛАБ ОЛИНДИ

Хоразм вилояти ёшлари ушбу спорт байрамига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Аввало, мазкур спорт мусобақаларининг вилоят босқичини ўтказиш учун ташкилий кўмитга тузилди, ҳакамлар таркиби тасдиқланди. Ўқувчилар ўртасида дастлаб коллеж биринчилиги, шаҳар ва туман босқичлари мусобақалари бўлиб ўтди. Айни пайтда спорт ўйинларининг 15 та тури бўйича вилоят босқичи беллашувлари низоёсига етди, голиблар аниқлаб олинди.

— Голиб жамоалар «Баркамол авлод-2008» спорт ўйинларининг республика босқичига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар, — дейди Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Йулдош Мадаминов. — Бунинг учун ёшларга барча шароитлар яратиб берилган. Улар вилоятдаги спорт мажмуалари, Тошкент, Фарғона, Нукус шаҳарларида уюштирилган машғулотларда қатнашадилар. Хоразмлик ёшлар мусобақанинг финал босқичида ҳам кучлилар сафига бўлишларига, совринли ўринларни эгаллашларига шубҳа йўқ.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Рейтингда Аргентина пешқадам

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) январь ойи учун миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон терма жамоаси рўхнатнинг 66-сатрида бормоқда. Вакиллари Осиё жамоалари ичида Япония, Эрон, Жанубий Корея, Австралия, Саудия Арабистони терма жамоаларидан сўнг олтинчи ўринда қайд этилган. Рейтингда кучли уликдан Аргентина, Бразилия ва Италия терма жамоалари жой олган.

ЗИДАН ПАРАШЮТДАН САКРАДИ



Ўзининг чиройли финтлари ва мазмунли ўйинлари билан миллионлаб футбол ишқибозлари қалбидан жой олган Франциялик Зайниддин Зидан эндиликда хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Яқинда Зайниддин болаларда қон бузилишига қарши кураш ташкилоти (ЕА)нинг хайрия тадбирида, ҳаётини ҳавф остига қўйиб бўлса-да, қатнашди. Гап шундаки, футболчи парашют бўйича Франция терма жамоаси таркибиде 4 минг метрдан юқори баландликда парашютдан сакради. Тўғри, биринчи бор парашютдан сакраётганини ҳисобга олиб, унга мутахассис ёрдам бериб турди. Тadbир жараёни Франциянинг «TV 1» канали орқали намойиш этилди. Самолёт эшигини 4,5 минг метр баландликда очишиб, сакрашмини айтишганда, енгил сескандим, — дейди З. Зидан. — Озгина совқотганлигини ҳисобга олганда, ҳаммаси муваффақиятли яқун топди. Асосийси, қон бузилиши касаллиги билан оғриган болалар дardига малҳам топиш ишларига ҳисса қўшганимдан хурсандим.

З. ЖОНИБЕКОВ.

КИТОБЛИК КУЛОЛ



Насрулло китоблик кулоллар сулоласи вакили. У ушбу хунар сирасорларини отаси — машҳур кулол Файзулло Абдуллаевдан ўрганган.

Анъана

Ота изидан бориб, ўзига хос усуллар билан янги-янги кўринишда сопол буюмлар ясаётган Насрулло мустақиллик йилларида кўплаб кўргазмаларда қатнашди. Унинг махсулотлари Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Москва шаҳарлари, Франция, Германия ва Япония каби мамлакатлар музейларидан ўрин олган.

СУРАТЛАРДА: кулол Насрулло Абдуллаев ва у ясаган сопол буюмлар.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Гавҳарнинг сочлари тим қора, жамалак эди. Ўша қўнғирок сочларга кўз тегди. Бошига бехосдан қайноқ сув тўкилиб, оғир жараҳат олди, кейинчалик ўша жойда чандиқ пайдо бўлди. Соч қайта ўсмади. Соч қиз боланинг ҳусни экан. Гавҳар бошининг ялтираб қолган қисмини яшириш учун кишин-ёзин рўмол ўраб юрарди.

— Андижонга бор, — маслаҳат беришди қашқадарлик мутахассислар, — шаҳар марказий шифохонасида реконструкция хирургия бўлими очилган. Куйиш оқибатида ҳосил бўладиган чандиқ асоратларига, яраларига, юмшоқ тўқималар тақчиллиги бўлган беморларга ўша ерда малҳам қўйилмоқда. Зора, сочларинг қайта ўсиб чиқса.

— Тақимингни ўладиган сочларинг бўлди хали, — Гавҳарни жарроҳлик столига ётқизаркан, ҳазиллашди тажрибали ҳақим, тиббиёт фанлари номзоди Алишер Мадзимов. — Сени ҳам оёққа турғизаск, тиббий реабилитациядан ўтган беш минггичи микозитиз бўласан.

Бошинг юқори қисмидан суяк орасига ўриндик тайёрланди. Махсус баллонча (экспандер) имплантация ўрнади. Бир ярим ой мобайнида ҳар уч-тўрт кунда суюқлик юборилиб, соч тўқималари жонлантирилди.

Иккинчи марта ўтказилган жарроҳлик амалиётида чандиқлар суякка қадар тозаланиб, чўзилган тўқималар аста-секинлик билан боғлиқ чандиқ ўрнига сурилди. Бошинг сочли қисми тўла тикланди.

— Илгарилари бу каби ўта мураккаб, даволаш мушкул бўлган ҳасталикларга Москва, Санкт-Петербург, Киев сингари йирик шаҳарларнинг машҳур клиникаларидан даво изланарди,

— дейди Андижон шаҳар марказий шифохонаси бош ҳақими Дилшодбек Ҳақимов. — Ҳозир юқоридagi сингари, улардан ҳам нозик жарроҳлик амалиётлари ўзимизда қўлланилмоқда. 205 ўринли марказий шифохонада неврология, гастроэнтерология, урология, жарроҳлик, реанимация, физиотерапия, қабул-диагностика бўлимлари мавжуд. Биргина мазкур реконструкция хирургия бўлимида 9 та янги даволаш усулларида иxtиро патентларини олди. Докторлик, иккита номзодлик иши муваффақиятли химоа қилинди. Бўлим шифокорлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм ва бошқа вилоятлардан келган беморларга ҳам шодлик улашадиган кувонарли. Айни дамда имплантология тизимини жорий этиш бoрасида ҳаракат тетаётир. Яқин орада режалли микрохирургия амалиётларига қўл уриш режалаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 12245 доимий ўринга эга бўлган 66 та шифохона, 327683 қатнов куватини ўзига жамлаган 423 та амбулатория-поликлиника ва 23 та амбулатория-поликлиника шифолини тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Андижон филиали, мазкур муассасанинг шаҳар ва туманлардаги 405 ўринли шохобчалари аҳолига кўнглидагидек хизмат кўрсатаётир. Уларнинг асарияти кўркамликда қиёси йўқ замонавий биноларга кўчиб ўтди ва тиббиётнинг энг илгор анжомлари билан таъминланди.

Бемор ва унинг яқинлари сижатгоҳга илинж, умид билан келади. Шифокордан наҳот сўрайди. Инсон ҳаёти қил устида турган бир пайтда малакали шифокор, дори-дармон топила-ю, бироқ тиббий асбоб-ускуналар етишмаса, дард устига чиққон бўлади. Бу сингари кўнгли-қизилқларга бутунлай барҳам бериш мақсадида «Саломатлик-30» лойиҳаси доирасида жойлардаги 320 та кишлоқ врачлик пункти молиялаштиришнинг янги механизмига ўтказилди. Уларга 1 миллиард 600 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар етказиб берилди.

Чунончи, Хитой ҳукумати гранти эвазига «Она-бола скрининг» маркази 63 минг евро қийматига тенг нақд дисплейли ультратовуш сканери билан, вилоят ўсма касалликлари диспансери эса 185 минг АҚШ доллари қийматидаги рақамли рентген аппарати ва бошқа илгор ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ оналар ва болалар

лабларига зид бўлганлиги боис, сотувдаги 361800 сўмлик 201 шиша «Бодрая» ароғи далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Фуқаро Маъмура Ҳамроева эса бозорга олиб келинаётган ҳужжат-сиз 275 минг сўмлик тамаки махсулотларини давлат ихтиёрига ўтказишга мажбур бўлди.

— Ўтказилаётган қисқа муддатли текширишлардан асосий мақсад бозоримизни сифатсиз махсулотлар кириб келишидан химоа қилиш, фуқароларнинг ноконуний фаолиятларига чек қўйишдир, — дейди Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Дилшод Қўчқоров. — Бу борада маъмурий органлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилаёмиш. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида солиқ қонунчилиги, тизимда қабул қилинаётган янги ҳужжатларнинг моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бoраёмиш.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Харидорни алдаманг

Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижда бозорларда, ҳатто, маҳаллаю кўчаларда ҳам фуқароларнинг ноконуний равишда савдо фаолияти билан шуғулланаётгани, бозорга сертификатсиз махсулотларни олиб киришига ҳаракат қилаётгани аниқланди.

Назорат

Жумладан, Каттақўрғон туманидаги Яқкабоб қишлоғида яшовчи Нигора Асқонова дехқон бозорига ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноконуний равишда пахта ёғи сотибтанилиги сабаб унинг сотувга қўйган 55 минг сўмлик 44 литр махсулотни далилий ашё сифатида олинди. Шаҳарнинг «Чордара» кўчасида истиқомат қилувчи Наргиза Эгамбердиева худди шундай қилмиши учун баҳоси 75 минг сўм бўлган 60 литр пахта ёғидан айрилди. Яна бир фуқаро — Самариддин Улуғов ҳам ёғфуруш-

лик қилмиши учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Шаҳарнинг Шавқий кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Зияда Зубайдуллаева эса ноконуний равишда алкогольли ичимликлар савдоси билан шуғулланаётган экан. Унинг хатти-ҳаракатлари Вазирлар Маҳкамасининг «Стиртли ва алкогольли махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устида давлат назоратини қулайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори та-

Российский Обои линолеум виниловые тел. 234-48-11 факс 234-49-58 Форма оплаты — любая Тovar сертифицирован

МАДАНИЯТ хабарлари

Жиззах вилояти музикали драма театрида «Шаддод қизлар, шунқор йигитлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Шаддод қизлар, шунқор йигитлар

Унда Жиззах олий харбий авиация билим юртининг «Кўноқ эскадрилья» ҳамда вилоятдаги олий ўқув юртлири ва санъат коллежи ўқувчи қизларидан саралаб олинган «Шаддод қизлар» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Танлов шартлари бўйича ҳар икки жамоа аъзолари фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилиш, талаба ёшлар, харбийлар ҳаётини акс эттирувчи воқеа ва ҳодисаларни, долзарб муаммоларни саҳнада намойиш қилдилар.

Фаол иштирокчилар вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими кенгаши томонидан тақдирландилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экранда «Янги бой»

Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Янги бой» номли бадий фильм премьераси бўлиб ўтди. Мазкур фильм таниқли оператор Нажимиддин Фуломов томонидан суратга олинган.

— Фильм опти ой мобайнида суратга олинди, — дейди режиссёр Соҳиб Аббосхон. — Шу вақт ичида биз сценарий ёздиқ, актёрлар гуруҳини йиғдик, фильмини суратга олиб бўлгач, монтаж ишларини амалга оширдик. Фильм комедия жанрида суратга олинди, унда тўсатдан миллионерга айланган инсоннинг ҳолати кўрсатилган.

«Янги бой» фильмида бош роллари Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мурод Ражабов ва Самандар Ҳамроқуллов ва бошқалар ижро этган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Уч дангаса»

Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театри ижодий жамоаси Жўра Намҳуддин шу номидаги асарни асосида янги спектаклни саҳналаштирди.

Ушбу саҳна асарига боқимандалик, ўзибуларчилик кайфиятига берилган, ишладан кўра текинтомқлики афзал билдиганлар ҳажв остига олинди. Спектаклдаги асосий ролларни театрининг иқтидорли ёш актёрлари ижро этишган.

Бу йил ушбу театрда яна тўртта янги спектаклни саҳналаштириш режалаштирилган. Солиба РАҲИМБЕРГАНОВА.

Биржа Эксперт «Биржа-Эксперт» журналига обуна бўлинг ва сиз ишончли экспертлар ахбороти манбаига эга бўласиз.

Хотите НОУТБУК? Асделанный в Германии? С гарантией 2-3 года и обслуживанием по всему миру? Звоните 294-60-60!!! Широкий выбор от бюджетных до элитных! Акция до 25 января флэшка в подарок!!! Цены от 1169 000!!!

MANZILMIZ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — М. Охунова. Мусаллах — Х. Ташхўжаев.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақаар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.04 Тошпирилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7